

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 18-noyabr • Shanba • 137 (27.628) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ВАТАН БАЙРОҒИ

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганга ўн беш йил тўлди

Хар биримиз қаерга боришимиздан қатъи назар, энг аввало биноларнинг тоқига тикиламиз. У ерда ҳилпираётган Ватан байроғини кўрганимизда қалбимизда фахрият ҳисси тоғи, кўнглимиз хотиржам бўлади. Ёруғ осмонга туташиб кетган мана шу байроқнинг муқаддаслиги мамлакат тимсоли, миллат гурури эканлигини яна бир марта ҳис этамиз. Юракда пайдо бўлган ҳаяжонимизни баланд овозда атрофдагиларга етказгимиз келади. Мана шу байроқ мағзур хилпираб турар экан, демак, юрда тинчлик, тўқнлик, аҳиллик, иттифоқлик белгиси бу. Унинг шаъни баланд кўтариш, кўз қорачигидек асраш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темурут давлатида туғ (байроқ) муқаддас саналган. Салтанатнинг байроғи мовий рангда бўлган. Ушбу ранг эса Шарқда азалдан қадрланган. Жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган жангчиларга байроқ ва ногора туҳфа қилинган. Туғчи ва байроқдорлар эса уни ганимлардан ҳимоя қилганлар.

Мустиқил Ўзбекистоннинг давлат байроғи бугун жаҳон бўйлаб овоз, эркин хилпирамоқда. БМТдан тортиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги Ўзбекистон элчихоналари пештоқларида ўрнатилган байроққа кўзи тушган ҳар бир ўзбекистонлик беихтиёр қувониши, ҳатто кўзига ёш олиши табиий. Чунки у — Ватан байроғи, она-юрт каби азиз, у туғилиб ўсган тупроқ каби мўътабар ва барча-барча учун



боқий туйғудир. Баъзан телевизор орқали олиб берилган халқаро спорт мусобақаларини кузатар эканмиз, голиб спортчимиз шарафига кўтарилган Ўзбекистон байроғидан кўзимизни узолмасдан қоламиз. Ватан байроғи. Унда акс эттирилган ой ва юлдузлар, мовий ва оқ ранглар бу — Ўзбекистон халқи. Бу — жаҳон узра дадил қадам ташлаётган Ўзбекистон Республикасидир. Демак, байроғимиз ҳам Ватан каби ҳар биримизнинг юрагимиз тўридан ўрин олмоғи, ҳар биримиз учун муқаддас бўлмоғи лозим. Ушундагина байроғимиз ҳамisha баланд-баландларда хилпирайверади. Унга ҳеч қачон ёв

қилинган тарихий кун. Ушбу шавкатли, шарафли айём халқимизга муборак бўлсин. **Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

қўли етмайди. Қадим-қадимдан ўз туғига, давлатига, йўлбошчисига эга бўлган миллатни эса ҳеч қачон, ҳеч ким енга олмайди. Бугун барчамиз учун улуг байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул

Суратда: Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи ўқувчилари. **Шавкат АКРАМОВ** олган сурат

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

Мана бир неча йилдики, Бухоро шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби ва Германиянинг Бонн шаҳридаги Эмили Хайерманн номи мактаб ўқувчилари Европа Иттифоқининг «TACIS» дастури доирасида «SPISE» лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Хўш, мазкур лойиҳадан қўзланган мақсад нима?

— Ушбу лойиҳада энергетика ресурсларини иқтисод қилиш ҳамда атроф-муҳит экологик тозаллигини таъминлаш кўзда тутилган, — дейди Бухоро шаҳар ҳокими Карим Камолов. — Бу ўз навбатида икки шаҳар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожланишига хизмат қилади. Яқинда Ибн Сино номи ма-

даният саройида мазкур биро-дарлашган шаҳарларнинг маъмурулари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, энергетика корхоналари мутахассислари, танқили олимлар иштирокида симпозиум ўтказилди. Унда энергияни иқтисод қилиш ва унинг янги турларидан фойдаланишга ўтиш борасида

ўзаро тажриба алмашилди. Тадбирда Бухоро шаҳар ҳокими ҳамда Бонн шаҳри биринчи бургомистри П.Фингер сўзга чиқиб, ўқувчилар ҳамкорликда амалга ошираётган мазкур лойиҳа нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари эътиборини ўзига тортганини

таъкидлашди. Яна бир жиҳат. Айни пайтда ўзбек ва немис ўқувчилари ушбу лойиҳа асосида қўш нуридан электр ва иссиқлик энергияси олиш бўйича ҳам қатор илмий гоғларни рўйба қилириш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришяпти. **(Ўз мухбиримиз)**

ЎЗХДП вилоят кенгашларида БИЛИМЛАР БОЙИТИЛМОҚДА

ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгашида «ЎЗХДПнинг сўл сиёсий платформаси ва унинг бунга мос ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия мафқураси» мавзуида семинар-машгулот бўлиб ўтди

Мамлакатимизда миллий гоғ ва маънавий-маърифий ишлар тарғиботига катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг жойлардаги тузилмалари янги дастурий гоғларни электрот орасида тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини янада жонлантормоқдалар. Бу эса ўз навбатида партиянинг ҳар бир аъзосидан сиёсий эътиқодли бўлиш, билим доирасини мунтазам кенгайтириб бориш, партиянинг сиёсий рақиблари билан очик баҳсга киришиш ва курашиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этади. ЎЗХДП фаоллари, депутатлари, шаҳар, туман кенгашлари раислари, электрот вакиллари иштирок этган семинар баҳс-мунозараларга бой бўлди. — Партияимиз ўз Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, электрототи манфаатлари йўлида ҳаётда учраётган муаммолар ечими учун жиҳдий курашадиган пайт келди, — дейди ЎЗХДП аъзоси, вилоят кенгаши депутати, вилоят Инжиниринг компанияси раҳбари Пиримқул Собиров. — Эндиликда маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари олдига керакли тақлифлар билан чиқиб, сиёсий фаолият ва сиёсий курашнинг янги-янги усулларини ўзлаштириш ва қўллаш, бунинг учун партиянинг ҳар бир аъзосидан фаоллик ва аниқ ҳаракат қилиш зарурлиги талаб этилмоқда. ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаеванинг мавзуга доир маърузасидан кейин давом этган қизгин баҳс-мунозараларда Самарқанд шаҳар Қози Гоғур номли маҳалла БПТ раиси Гулжаҳон Акрамова, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси, ЎЗХДП фаоли Хасан Нормуродов, СамДУ талабаси Воҳид Юнусов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Семинар-машгулот сўнггида ЎЗХДП Марказий Кенгаши томонидан «Эқтиром китоби»га киритилган ЎЗХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Имомова ҳамда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ходими Шер Фиёсовларга тегишли гувоҳномалар ҳамда эсдалик совғалар, партия сафига яқинда қабул қилинган бир гуруҳ аъзоларга эса янги аъзолик билетлари топширилди. Семинар ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Гавхар Худойбердиева иштирок этди ва сўзга чиқди. **Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗХДП Жамоатчилик қабулхоналарида ИШСИЗ ЭДИМ...

Хар тўқисдан бир айб топиш мумкин. Аммо ечимига келганда... — Барча партия кенгашларида мана, бир йилдики, жамоатчилик қабулхоналари мунтазам фаолият кўрсатаёпти. Мазкур қабулхоналар партия фаоллари, фуқаролар ишонадиган ва суянадиган даргоҳ сифатида ўзини оқламоқда, — дейди Когон туман партия кенгаши раиси Ҳаким Файзиев. Дарвоқе, Когон шаҳри ва туманида бир юз ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. — Уттан йилнинг охирида ер олиш учун кўп азият чекдим, — дейди Сабийн қишлоғида яшовчи Обид Тураев. — Охири туман партия кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. У ердагилар кўмағида муаммо ҳал этилди. Ҳозир ҳам қабулхонадагилар билан мунтазам алоқаданам. Яқинда мазкур даргоҳда бўлганимда қабулга келган уч-тўрт киши билан суҳбатлашдим. — Биласизми, — дейди ўзини олис Еби қишлоғидан деб таништирган Фахриддин Эгамбердиев, — бизда ичимлик суви тармоқлари анча йилдан буюн ишламасди. «Сувоқова»дагилар уни тузатишга эътибор беришмади. Жамоатчилик қабулхонасига кўпчилик бўлиб келганим, мана, муаммо ҳал бўлди. 10 километрик қуёв таъмирланди. Шунинг учун бугун бизга амалий кўмак берган кенгаш аъзоларига миннатдорчилик билдириш учун келдик. — Мен ишсиз эдим, — дейди Ҳуқуматобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шаҳноза Истамова. — Дардимни қабулхонадагилар эшитиб, амалий ёрдам бердилар. Ҳозир тикуччилик цехида ишлайман. Жойлардаги муаммоларни ҳал этишда ХДПдан сайланган депутатлар аинқиса, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жамоатчилик қабулхоналари одамларни қизиқтираётган масалалар бўйича ҳам мониторинг ўтказмоқдалар. Чунки, муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳаммаси муҳим, ортида инсон омили турбиди. Шунини таъкидлаш кераки, туман партия кенгаши 60 та бошланғич ташкилотда ҳам шундай қабулхоналар бўлишига ҳаракат қилмоқда. Биргина шу йилнинг ўтган тўққиз ойида икки юздан зиёд мурожаатлар жойида ҳал қилинди. Телефон алоқаси, газ босими пастилиги, кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонунли қурилышлар, ер участкаси олишдаги бир қатор муаммолар ижобий ҳал этилиб, айрим фуқароларга юридик ва бошқа масалалар берилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами орасида молиявий ёрдамга эҳтиёмандлар мурожаати ҳам инobatта олинатгани ҳамда бу борадаги масалани ҳал этишда ҳомийлар кўмағидан фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мухтасар қилиб айтилган бўлсак, бугун Бухоро вилоят партия кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналаридан ҳеч бир киши ноумид бўлиб чиққан эмас. Шу боис ҳам кўпчилик ишончига сазовор бўлаётган мазкур даргоҳлар ҳамisha ЎЗХДП электрототи вакиллари билан гавжум. Бу эса партияга хайрихоҳлар тобора кўпаяверишидан далолатдир. **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида КУН ТАРТИБИДА — КОММУНАЛ СОҲА ИСЛОҲОТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Санoат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда коммунал соҳани ислоҳ қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг Хоразм вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала кўрилди. Мазкур кўмита раиси Изидор Қочма-рик бошқарган мажлисда коммунал соҳани ислоҳ қилишга доир қонун ҳужжатларини ижро этиш юзасидан Хоразм вилоятида муайян ишлар амалга оширила-ётганилиги, бу борадаги фаолият уй-жой фондини бошқариш тизимини ислоҳ этишга, уй-жой фондини сақлашда хусусий уй-жой мулкдорларининг масъулиятини оширишга, уй-жой ва коммунал соҳаларда рақобатни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Лекин ташкил этилган ширкатлар ҳануз ҳаддан зиёд идоралар билан ширкатлари, уларнинг аввалги идоралардан фарқи деярли йўқлиги алоҳида уқтирилди. **2-бет**

БУ ҲАҚДА...
«...Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимиздан сўнг, Қашқа воҳасининг қадимий тарихи, юксак нуфузини қайта тиклашга, Қарши шаҳрини ўз салоҳияти ва аввало, шу юрда яшаётган мард ва танги халқнинг меҳнати билан мамлакатимизнинг энг гўзал ва кўркам шаҳарларидан бирига, йирик санoат ва маданият марказига айлантиришга муяссар бўлди. Қарши шаҳрининг қўтлуғ тўйи муносабати билан вилоятда фақат сўнгги икки йил давомида кўплаб объектларда амалга оширилган қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларига қарийб 50 миллиард сўм маблаг сарфланганининг ўзиёқ бажарилган ишлар кўлами қанчалик улкан эканини яққол кўрсатиб турибди. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, бу қадимий шаҳарнинг тарихий қиёфасини тиклаш мақсадида қилинган ишларни, хусусан, эски шаҳар қисмининг, Регистон майдони, унлаб меъморий обидаларнинг тубдан қайта тикланиб-таъмирлангани, янгича кўрқу салобат касб этгани барчамизга мамнуният билан бирга, беихтиёр халқимизнинг руҳини кўтарадиган бундай бунёдкорлик ишларини давом эттиришга ишонч бағишлайди.»
БУ ҲАҚДА мамлакатимиз Президентини Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги (2006 йил 27 октябрь) табрик сўзида таъкидлади.

Тахдид ва огоҳлик
ОНГНИ ЗАҲАРЛАШ ЙЎЛИДАГИ КУРАШ
ЁХУД ЖАҲОННИ ТОБЕ ЭТИШ ДАЪВОСИДАГИ МАФҚУРАВИЙ ХУРУЖЛАР

ДУНЕНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ
Пифагор «О» сонини илоҳий деб атади. Нега? Олимлар бу борада жуда кўп баҳс-мунозараларга киришишди. Нол йўқ сон. Нолга нолни қўшсак, кўпайтирсак ёки бошқа математик амалларни бажарсак-да, натижа ўзгармайди. Нол! Бироқ, мохиятан қараганда нолсиз 1000000, 10 000 000, умман миллиард, триллионлар ҳосил бўлмайди. Нол маъхум қўриниши мумкин. Аммо нолсиз нафақат математика ёки дунё ҳисоб-китоблари фани, балки ҳаёт ҳам бир қадам олға силжмайди. Тўхтаб қола-

ди. Шунинг учун бепасандлик билан қараладиган нол сонини Пифагор рамзий маънода илоҳийлаштирган. Худди нол сони сингари мафқура ҳам баъзида маъхум туюлиши мумкин. Мафқурани қўриб, ушлаб бўлмайди. Аммо мафқурасиз башарият инсонийлик уммонидан қирғоққа улоқтириб ташланарди. Мафқурасиз инсоният бир қадм ҳам олға юролмасди. Инсоният ўз тарихида эришган барча моддий бойликлар, кашфиётларнинг асоси — мафқура. Мафқура ҳам илоҳий қудратга эга. Эзгу мафқура тафаккур қуролига айлангандагина хар бир кишининг, хар қандай халқнинг мустақкам ҳимоячи-

си бўла олади. Шунинг учун ҳам мафқура хар қандай қуролдан қудратли, кучли. «Ер шарининг таянч нуқтасини топиб берсангиз, мен уни бармоғим билан кўтариб тура оламан...», — дегади буюк Архимед. Улуг олим Ер шарининг «таянч нуқтаси» дегади нимани назарда тутганини билмадигу, лекин ҳозирги кунда, сергалва замони-мизда мафқура Ер шарининг таянч нуқтасига айланиб қолди. Шунинг учун Ер шарининг таянч нуқтасини қидириб ўтирманг. Инсоният онги-шуруни маъх этоладиган мафқура билан Ер юзини ўзининг хоҳлаган қўйингизга солишингиз, уни жимжилоғингиз билан ҳам кўтариб туришингиз мумкин.

МАФҚУРАВИЙ ТАЗЙИК
Дунё сиёсати сахнида мафқура полигонларининг тобора кенгайиб бораётгани, мафқура уруши оқибатлари ядро полигонларида синоддан ўтказилган даҳшатли қуроллардан кўра хавфлироқ экани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Гегемонликка муҳасидан кетган ташқи кучларнинг ягона мафқура маконини яратишга астойдил уриниши, ўзга халқлар, миллатлар устидан ҳукмронлик қилиш ишмёки тобора аланга олиб бораёпти. Глобаллашув, демократия экспорти, тезкор аҳборот тарқатиш мафқуравий хуруж учун асқотмоқда.

2-бет

«ОБУНА — 2007»
«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — бу Сизнинг газетангиз!
2006 йил давомида кўплаб долзарб мавзуларда чиқишлар қилган, келгуси йилда ҳам одамлар дилидаги гапларни айтишни режалаштирган газета!
«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва сўллик позициясидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммоларга энг кўп эътибор қаратадиган, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазатга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиладиган газета.
«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — бу Сизнинг овозингиз, Сизнинг газетангиз!
Агар келгуси йилда ҳам газетамизда ўзингизни қизиқтирган ёки кўпчилигини ўйлантириб қелаётган мавзулардаги тахлилий, танқидий, мулоҳазали мақолаларни, суҳбатларни ўқини истасангиз, дунёда бўлаётган жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз
2007 йил учун газетамизга обуна бўлинг! Нашр индекси: 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

● Таҳдид ва огоҳлик

ОНГНИ ЗАҲАРЛАШ ЙЎЛИДАГИ КУРАШ

ЎХУД ЖАҲОННИ ТОБЕ ЭТИШ ДАЪВОСИДАГИ МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу хавф йўсини шундайки, миллат менталитетига таъсир қилиш кифоя. Улардаги ўзига хослик, миллийлик тушунчасини емириб ташлаш етарли. Бу йўлда галаба қозониш учун ҳар қайси халқнинг ёш авлоди, ўсмирлари кўнглида, тафқурида барқ уриб гуллаётган ўзлик чечакларини таг-томири билан сугириб ташлаш зарур. Қадим маданият, тарих, ўлмас ва абадий анъаналардан озикланаётган ёшлар онгига демократик яшаш тарзи шиори остида «ёт умумийлик» тушунчасини сингирмоқ жоиз. Тарихдан, маданиятдан, урф-одатларидан узилган авлод, мафкура-си, миллий ғояларини йўқотган жамиятни эса осонликча маъхэтиш мумкин. Ҳозирги гарбийлаштириш байроғи остида навиҳол фарзандларимиз онг-ишуурига сингирдилаётган вестернизация — глобал санъат, глобал маданият, глобал ҳаёт тарзи каби қарашлар замирида ҳам ана шу мақсад ётибди.

Бизнинг киноизми томоша қил. Бизнинг роқларимизга қулқос. Бизнинг бадабан музиқаларимизни эшит. Биздай яша. Биз каби кийин. Биздай ўйла. Биздай фикрла. Мана сизга вестернизациянинг моҳияти.

Отангни сен де. Онангни ҳам сенсир. Узинг учун яша. Уза-ларни нари суриб қўй. Хоҳлаган ишингни қил. Сен эркин одамсан. Биров билан ишинг бўлмасин. Ота-онанг кейсаиша нима қилпти, ана қариялар ўйи бор, олиб бориб қўй. Яшайверадидан. Мана шу тарзда вестернизация оқибати ва оқаваларини тарғиб қилиш манипуляциянинг энг муҳим жиҳатидир.

МАНИПУЛЯЦИЯ

Қонқонимизга сингган инсонийлик тамойилларини ерпарчин қилган мафкуравий хуруж биздан даставвал ўзликимизни тортиб олади. Тобе ва муте, фикр қўлигига солишинг бундан ўзга йўли йўқ. Манипуляция дастлаб одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини узиб ташлайди. Кишиларни тарқоқ ҳолга келтирмоқчи бўлади. Тўй-аза, яхши-ёмон кунлардаги халқимизнинг елкадошлиги, бир-бирини суғиш, қўллаб-қувватлаш, ҳамжihatлик манипуля-тор, яъни манипуляция қилув-чиларга ёқмайди. «Нега булар бир-бири билан бунчалар иноқ? Нега танган-танмагани кўксига қўлини қўйиб бир-бирига салом беради? Маҳалладаги ёш-яшан-лар, кексаларни кўргач, нега ўзла-

рини йўл четиға олиб салом беришади? Нега бир-бирини шунчалар иззат-хурмат қилади?..» Хуллас, шу каби одатларимиз уларга гайритабиий туюлади. Манипуляция — инсон фикрини қўл қилиш, бошқаларни ёт ғояларга эргаштириш, кўзбўяма-чилик қилиш дегани. Шу билан бирга одамларда ялғи лойқадликни уйғотади. Содда қилиб айтганда, қизимиз ярим кечаси қаерда юрибди, ўғлимиз нима билан банд, маҳалладаги ёш-яшанлар нега кечқурунлари ҳар жой-ҳар жойда ўтирволиб нима-ларнидир чекишмоқда, пиво-ароқ ичишмоқда, уларни терғайдиган киши йўқми, ота-онанинг кўзи қаёқда, нима сабабдан анови на-виҳол қиз қиндигини очиб, тор-жисни қияди, нима сабабдан ма-новий йигитча атайлаб тиззаси йиртик шимчи кишини ўзига эп кўрди, ўғил бола бўлиб қўлоғига темир халқа тақиб олибди, хул-лас, сизни сира қизқирмайди, ўйга толдирмайди, кўнглингизда оғриқ уйғотмайди, биз ўзбекимиз-ку ахир, нима бўлди бизга, деган истихоло емирилиб боради.

Шу йўсинда одамлар мафкура-сига «умумдемократик» қараш-ларни тикиштириб, сўнгра гло-баллашув қўланаси остида бу худудларни эгаллаб олиш мани-пуляция жараёнини ўзак мақ-садидир. Мана сизга мафкура-вий курашнинг даҳшатли ва хавф-ли жиҳати. Ҳеч бир отишма-портлашларсиз, қирғин қурол-лари ишлатмасдан дунёни босиб олишинг ўзига ҳо йўли!

Манипуляция жараёни амал-га ошириш айрим давлатларда обдон ўйлаб чиқилади. Унинг ўзига хос тактикаси, таъсир до-ираси ишлаб чиқилади. Манипуля-ция қилинаётган худудлардаги халқларнинг урф-одатлари, инти-лиши, ўй-қарашлари ўрганилади. Омма онгни сездирмасдан за-ҳарлаш оқибатида халқлар ва миллатларни ўзига қарам қилиб олишинг стратегик режалари тузилади. Дунёнинг мафкуравий харитасини яратмас деган сие-сий қўчлар қўлида кўринмас, энг даҳшатли қуролдир манипуляция.

АХБОРОТ ХУРУЖИ

Манипуляцияда ОАВдан ҳам фойдаланилади. Очқ айтиш ке-рак, мафкуравий курашни ахбо-рот хуружларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, ахборот май-донлари бизнинг асримизда энергия манбаълари, табиий бой-ликлар каторида стратегик ре-сурсга айланмоқда. Ахборот тар-моқлари ҳам ўз навбатида гло-

баллашапти. Бу эса яна ўша ге-монизм ғоясини илгарти суриш-да, манипуляция жараёнини кенг ёйилишида қўл келмоқда. Ахборот бугунги кунда давлат-ларнинг геосиёсий таъсирини белгилочи кўча айланаяпти. Ах-борот инсоннинг қалбини, онгни нишонга олади, инсоннинг ру-ҳиятини заҳарлайди, одамлар қалби-шуурида иккиланиш ва юзакчиликлар пайдо қилади.

Ҳозирги кунда содир бўлаёт-ган дунёвий низолар, урушлар, террорчилик хатти-ҳаракатлари-нинг авж олишига бундан манфа-атдор бўлган ташқи қўчлар таъ-сирдаги ОАВнинг информацион хуружлари ҳам сабаб бўлапти.

Дейлик, бирор бир жойда низо учқуни чарсиласа, у алангага ай-ланишини истовчи гуруҳларнинг, айрим давлатлар сиеъатдонлари-нинг қўлидан нон ёнган ОАВ вакиллари мавжуд вазиятни ўз буротмачилари хоҳлагани каби шарҳлайдилар. Шу билан мафкура-вий хуружнинг ер юзи бўйлаб тарқалишига улш қўшади.

XX асрнинг бошларидаёқ немис файласуфи Освальд Шпенг-лер ахборот хуружининг одам-лар онгига таъсирини «Европа инквизици» асарига шундай ба-шорат қилган эди: «Яқин кела-жақда жаҳоннинг икки ёки уч газетаси провинциал газеталар фикрини бошқаради ва улар ёрдамида халқлар иро-дасини бўйсиндиришига урина-ди. Ҳамма нарса эса шу га-зеталарни назорат қилиб тур-гучи оз сонли кишилар то-монидан ҳал этилади...»

Бугун худди шундай бўлаяпти. Нафқат газеталар, интернет-сай-тлар, хорижий радиостанциялар ҳам дунёни «назорат қилиш»га чоғланган кишиларнинг хоҳиш-иродасини ифода этаёпти. Бун-дай мақсаду маслақлар — дунёни мафкура тўри билан тўтиб туриш-га бўлган уриниш ҳар қандай ба-ҳона-ю вақт, демократик дағдаға, инсон ҳуқуқлари ҳимояси деган баландларвоз гаплар билан хас-пўшлансин, асл нияти, улар-нинг ланқони режалари уммон юзига қалқиб чиққан музтоғлар каби ошқор бўлиб қолмоқда.

ЭНГ ИШОНЧЛИ ХИМОЯ

Ахборот қуролдан учган иғво ҳамда бўхтонлар омма онгни за-ҳарлаш қаратилган, унинг таъ-сир доираси ҳам сезиларли бўлиши шубҳасиз. Бундай ҳам-лақа қарши туриш учун эса биз миллатимиз келажагини қимол-лик сари бошлаётган миллий-ис-

тиқлол мафкурасини қалбимиз-га иймон-эътиқод даражасида сингдирган бўлишимиз керак. Шунданга бизни ёт ғоя ва таҳ-дидлар, гайримафкуравий ху-ружлар тўғони йўқломайди. Агар биз миллий истиқлолимиз мафкурасини эътиқод даражаси-да қонқонимизга сингиролсак, нафқат ўзимизни, келажагимиз-ни ҳимоя қиламиз, балки ўз эғу-ғояларимиз, анъаналаримиз, тур-муш тарзимизни ҳам дунёга ёй-ишга, ўзимизни қўрсатишга им-кон тополамиз. Эътиқод — инсон маънавий оламни ёритиб тур-ган нур. У одам фарзандида мур-ғаклигидан шаклланади.

Масалан, ана қаранг, болақай мактабдан келаяпти. Унга ҳар қайсимиз ўз фарзандимиздай муносабатда бўлишимиз лозим. Унинг тарбияси олдида ҳар қай-симиз маъсуллик бурчини ҳис қилишимиз керак. Унинг боғи-нида Ватанини севиш, миллатни ардоқлаш туйғуси ва миллат ор-номусини ҳимоя қилиш ғурури-ни уйғотсак, шу рўҳда тарбия-ласак, шу йўлда хушёр турсак болақайни ҳеч бир ўзга ғоялар чалғитолмайди. Демак, Ўзбеки-стоннинг келажагини ҳеч ким тўғри йўлдан оғдиролмайди.

Яқинда пойтахтимиздаги 17-мактабнинг 7-синф ўқувчилари «Тараққиёт нима?» деган мав-зуда иншо битишибди. Ўқувчи-лардан бири тараққиёт, цивили-зация ҳақида роса мисоллар келтириб, дунёвий ўзгаришлар-ни имкон даражасида қаламга олиб, «Тараққиёт қанчалик тан-тана қилмасин, барибир Ер шарини Хива, Бухоро, Самарқанд-ни ҳеч қачон қайтадан қуролмай-ди...» деб ёзибди. Шу мурғак дилдаги ватанпарварлик ҳар қандай мафкуравий хуружга қар-ши боради, ҳар қандай қуруқ сафсаталарни чипакка чиқара-ди. Агар ҳар бир ўғил-қизнинг қалбига мана шундай кеқир идрок етиса ҳеч бир мафкура-вий таъсирга ҳеч бир ахборот ху-ружи, ҳеч қандай манипуляция бизга таҳдид сололмайди.

Ҳа, мафкура Ер шарининг та-янч нуқтасига айланиб турган хозирги паллада, биз ўз таф-қуригимиз, миллий ғоя ва анъана-ларимизга собилтигимиз эвазига ўз ҳаётимизни асраб қоламиз. Хулоса шунки, дунёдаги ғоявий хуружлар, мафкуравий тўс-тўпо-нларга халқимиз фақат ва фақат миллий истиқлол ғояси ҳамда юксак даражадаги маънавий тар-бия билан қарши туради.

Қўчбор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КУН ТАРТИБИДА — КОММУНАЛ СОҲА ИСЛОҲОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Асосий мақсади ўз фаолиятдан фойда олишга қаратилган учта масъулияти чекланган жамият ва «Иссиқлик манбаи» акциядорлик жамиятига қарашли «Иссиқлик таъмир» шўба корхонасининг қонун нормаларига зид равишда ширкатларнинг вазифаларини бажараётганиги вилоят ва Урганч шаҳар ҳокимликлари фаолиятидаги жиддий ҳоқимдир.

Бир қатор ширкатларда бошқарувнинг олий органи ҳисобланган умумий йиғилишлар ўтказилмаган ёки ширкат ваколатига қирадиган масалаларни муҳокама этмасдан расмийлик учун ўтказилган, холос. Масалан, 1 сентябрь ҳолатига кўра, Урганч шаҳридаги 1-сонли хусусий ўй-жой мулкдорларининг ширкатиди 2005 йилнинг якулига бағишланган умумий йиғилиш ўтказилмаган, ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдори умумий йиғилишда тасдиқланмаган. Хива шаҳридаги 2 ва 3-сонли хусусий ўй-жой мулкдорларининг ширкатларида умумий йиғилиш ўтказилмаган, даромад ва харажатлар сметаси тузилмаган.

Ширкатларнинг аъзолари томонидан лозим даражада назорат қилинмаслиги оқибатида маблағлардан самарасиз фойдаланиш, штатдаги ходимларнинг сони кўпайиб кетиши ҳоллари юз бермоқда.

«Урганч темир йўл ўй-жой ва иншоотлар» масъулияти чекланган жамиятида жой мулкдорларининг мажбурий тўловлари миқдори муассисларнинг умумий йиғилишида мулкдорларнинг иштирокисиз белгиланади ва бошқарув раиси томонидан тасдиқланади, уларда яшовчилар эса, бу ҳақда ўй йўлақларига кираверишда осилдиган эълонлар орқали хабардор қилинади, бу эса ўз навбатида қўп қаватли уйларда яшовчиларда мулкдорлик ҳиссини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда ва уларни ўз мол-мулкни бошқаришдан узоқлаштирмоқда.


Вилоятда пудрат ва таъмир ишлари бозори ривожлантирилмаганиги сабабли қўп қаватли уйларни жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ширкатлар ва уларнинг вазифасини бажарувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Ишчилар етишмаган ҳолларда эса, таъмирлаш ишларини бажариш учун мавсумий ишчилар жалб этилмоқда.

Қўмата мажлисида Хоразм вилоятидаги давлат ҳокимияти органлари хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларининг фа-

олиятига ва умуман ўй-жой-коммунал хўжа-лиги соҳасига бўлган эътиборини кўчати-ришлари зарурлиги, ўй-жой фондичи бо-шқариш сифатини яхшилаш, ўй-жой фон-дидан фойдаланиш ва уни сақлашнинг бо-зор механизмларини шакллантиришлари лозимлиги таъкидланди.

Қабул қилинган қарорда Хоразм вилоят-и ва туманлар ҳокимликлари ширкат-лар фаолияти ва қўп хонадонли уйлари бошқаришдаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, битта хусусий ўй-жой мулк-дорлари ширкатига бирлашган уйлар со-нини мақбуллаштириш борасидаги ишлар-ни фаоллаштириш, ўз турар-жой фонди-ни сақлаш ва асрашда хусусий ўй-жой мулкдорларининг жавобгарлигини оши-риш, ширкатларга ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатадиган сервис компани-яларини ташкил этишни жаддаллаштириш, хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника ресурслари ва ўй-жойга доир бошқа сифатли хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича хизмат кўрсатувчи тузилмалар учун тўла-қонли бозор инфратузилмасини, рақобат-муҳитини шакллантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этил-ди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат

МАРКАЗ УЧУН ЯНГИ БИНО

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бугун юртимизда улар-нинг билум олиши, барқомол инсонлар бўлиб воёга етиши йўлида барча имкониятлар яратилган. Аммо хали воёга ет-маган, қаровсиз қолган ёки турли қўчлар таъсирига берил-ган айрим ёшлар ҳам борки, уларни ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш, ҳаётда ўз ўрин-ларини топишига қўмаклашиш

давлатимизнинг доимий эътибо-рида. Яқинда пойтахтимизда Воёга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш мар-казининг янги биноси фойда-ланишга топширилди. Воёга ет-маганлар ўртасида қаровсизлик ва хуқуқсизликнинг олдини олиш борасидаги ишларни ўзи-га хос мувофиқлаштирувчи хисобланган ушбу марказ ил-гари мослашган бинода жой-

лашган эди. Янги марказ бино-си эса илгаригисидан тубдан фарқ қилади. Икки ўз ўрнига мўлжалланган марказда уч ёшдан 18 ёшгача бўлган қаров-сиз болалар ота-онаси, қарин-дошлари ва яшаш жойи аниқ-лангунга қадар 30 кунгача яшаб туриши мумкин. Унинг очилишида иштирок эт-ганлар мамлакатимизда ёшлар-ни, жумладан, воёга етмаганлар-ни ижтимоий-хуқуқий ҳимоя

● Мулоҳаза

НИШОН ҚАНИ, ЁШУЛЛИ?!

...Одатдаги иш қуни. Хивадаги 20-Меҳрибонлик ўйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак билан суҳбатлашиш ниятида унинг хузурига бордим. Ўзбек миллий либосидаги аёлнинг кўпни кўрган кишиларга хос чиройли мулозамати мени лол қолдирди. Айниқса, опанинг кийимидаги «Олтин юлдуз» ўзига ярашиб тушганди.

Вера Пак қаҳрамонлик нишонини нафқат расмий йиғин, байрам ва тадбирларда, балки ҳар қуни тақиб юради. Бу нишон унга Юртбошимиз томонидан етим-есирларга чексиз меҳр кўрсатиб, бошини силагани, уларга бутун умр эзгулик бахшида этиб келаётгани учун берилган. Бунда фахр ва ифтихор туйғуси бор.

Яқинда вилоят доираси-даги тадбирлардан бирида қачонлардир каттагина лавозимда ишлаган, ҳозир-да нафақада бўлган бир танишимни учратиб қолдим. У аңча сипо кийинган, гап билан ҳаммани озгига қаратарди. Кўкрагида эса...

Шу пайт ёдимга «қаҳра-мон»имизнинг бундан бир неча йил муқаддам бўлган йиғилишдаги тантанавор сўзлари тушди. Унга ўшанда ҳуқуматимизнинг янги таъсис этилган ордени топширилган эди ва у минбардан туриб: «Бу нишон мен учун Ватан каби азиз! Озод юртимизнинг илк орденига сазовор бўлганим — умрим мазму-ни. Уни ҳамма вақт фахр билан тақиб юраман», деганди...

Уша собиқ раҳбарга «Нишонингиз қани ёшулли?!» деб савол бермоқ, жилла бўлмаса ҳалиги сўзларни ёдига солмоқ ниятида эдим. Аммо бу фикримдан қайт-дим. Сабаби, уша қуни тадбирда иштирок этаётган раҳбарларнинг кўплари ҳуқуматимизнинг турли орден ва медаллари билан тақдирланган кишилар эдилар. Аммо, уларнинг ҳам кўкрагида ўша эътироф ва ҳурмат белгиларидан асар ҳам йўқ эди...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

● **Ҳолат,**
муносабат,
мулоҳаза

«ШИФОБАХШ БУЛОҚ»ДАГИ ЛОЙҚА ИШЛАР

ёки мансаб суиистеъмоликлари ва мулкка хўжасизларча муносабат ту-файли иш ўринлари қисқариб, ночор аҳволга тушган корхона ҳамда унга ин-вестиция киритаётган инвесторнинг талон-торожлик ва турли низоларга дуч келаётгани хусусида

Ўзининг шифобахш маъданли суви билан машҳур бўлган дав-латга қарашли Тошкент маъданли суви қўйиш заводи 1994 йили «Шифобахш булоқ» очик акциядорлик жамиятига (ОАЖ) айлан-тирилди. Акцияларнинг бир қисми жисмоний ва юридик шахс-лар қўлига ўтди. Лекин сўнгги йилларга келиб, «Шифобахш булоқ» ОАЖ таназзул ҳолатига тушиб қолди. Иш ўринлари қисқарди, баъзи цехлар тўхтади. Маош беришда узилишлар бўлиб, ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси масаласи унутил-ди, уларнинг қўли ишдан совуви. ОАЖнинг 85,9 фоиз акцияла-ри (ушбу миқдор бўйича ҳозир низо кетмоқда) давлатга тегиш-ли бўлгани учун Давлат мулк қўмитаси корхонани муқаррар банкротликдан сақлаб қолиш, унинг иқтисодини кўтариш ва инвестиция жалб қилиш мақсадида 2003 йил ўз улушини «Росс-УзМрамор» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)га 170,2 миңг АҚШ долларига сотиш тўғрисида шартнома тузди. МЧЖга кор-хона иқтисодини ривожлантириш учун яна 500,0 миңг АҚШ дол-лари миқдорини инвестиция қилиш мажбурияти юклатилди.

МУЛК ЎРНИГА МУАММО

Янги инвестор енг шимариб ишга киришди. Акция пакети учун 34 миллион сўм тўловни амалга оширди. Инвестиция мажбурияти ҳисобидан 200 миллион сўм сармоя киритди. Шу жумладан, 40 миллион сўмлик ОАЖнинг бюджет олдидаги қар-зларини тўлади, ишчиларнинг иш ҳақи берилма бошлади. Иш-чиларда меҳнатга нисбатан илқикли пайдо бўлди. Янги инвес-тор тўхтаб қолган, таъмирланган иккита цехни таъмирлаб, ишга туширди, натижада янги 100 ишчи ўрни яратилди. Жонини жабборга бераётган инвесторнинг харажатларини кўрган мулк қўмитаси жамиятнинг 85,9 фоиз давлат активларини сармоя-дорга тасаруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берди. Тўла эгаллик ҳуқуқи эса шартномалар шарти тўлиқ ба-

жарилгандан сўнг берилиши кўзда тутилган эди.

Бироз вақт ўтгач, корхонага сармоя киритиш орқали уни ривожлантириш масаласи қилиб, сармоядор бошқа муаммо-лар гирдобида қолиб кетди. Собик корхона раҳбарларининг ўз мансабига совуққонлиги ва мансаб ваколатини суиистеъ-мол этиши сабабли ОАЖ мулкларининг бошқаларга сотиб юбо-рилиши, ўзлаштириш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ма-салан, 2005 йил боши ҳолатига кўра, корхона раҳбари И.Ал-лавердиев ва бош ҳисобчи Ф.Ибрагимова маълумотига асо-сан, «Шифобахш булоқ»нинг қарзлари 243.239.802 сўм деб кўрсатилган бўлса-да, рўйхат ва ҳисоботларда кўрсатилмаган кредиторларнинг қарзларини талаб қилиб келишлари ҳеч тўхта-мади. Бунинг устига шимша идишлар қаёққадир бериб юборил-ган, 9 миңг дона тарадан бирор донаси йўқ. Энг ёмони, би-тимда корхона мол-мулкларни сифатида ҳисобга олинган мулк-ларнинг бир қисми мулк қўмитаси иштирокисиз сотиб юбо-рилган ва ҳоказо.

Масалан, 1997 йил 8 февралда «Шифобахш булоқ» билан «Оби ҳаёт» хусусий корхонаси ўртасида иккита олди-сотди шарт-номаси тузилди. Шартномага биноан 712 квадрат метрга тенг бўлган иккита оғборхона ва ишлаб чиқариш қиёв гўё «соёбон» сифатида 200 000 сўм, 108 квадрат метр бўлган жамият идо-раси «хизмат хона» дейилиб, 11 677 сўм, 210 квадрат метр майдонни эгаллаган ошхона эса 180 650 сўмга сотиб юборил-ган. Энг қизиғи, ушбу шартномага «Шифобахш булоқ» ОАЖ директори сифатида А.Аъзамхўжаев имзо чеккан. Янама ажаб-ланарлиси шунки, шартномага ОАЖнинг лотин алифбосидаги муҳри босилган. Ваҳоланки, А.Аъзамхўжаев ОАЖда 1997 йил-нинг 28 майида бошқарув раиси этиб тайинланган, яъни шарт-нома имзолангандан 3 ойдан кейин... Лотин ёзувидаги муҳрга эса корхона 1999 йилдан бошлаб ўтади. Шартнома имзоланган пайтда эса кирилл ёзувидаги муҳрдан фойдаланилар эди...

Ана шундай шубҳали йўл билан жами 392 миңг сўмга сотил-ган қўчмас мулклар 2005 йил баҳолатилганда, масалан 200 миңг сўмлик «соёбон» 33616000, 11.677 сўмга сотилган «хизмат хона» 4039400, шартнома баҳоси 180.650 сўм бўлган ошхона 15 483 800 сўм, яъни жами 53 000 000 сўм эканлиги қайд этилди. Қўчмас мулк ва сармоялар агентлигининг 2001 йилдаги хулосасига кўра, ушбу мулкларнинг ўша пайтдаги баҳоси 13 820 039 сўм экан-лиги қайд этилган. Ушбу суммалар билан 392 миңг сўм ўртаси-даги фарққа қараб, ОАЖ ҳисобидан «Оби ҳаёт» қилич корхона-сига қанчалик имтиёз яратилганини сезиш қийин эди.

«Шифобахш булоқ» зарарига бўлган имтиёзлар занжири шу билан тугаса майли эди... **Сотилган иншоотлар учун тўлов-лар мuddати шартномага кўра, 10 йил қилиб белгилан-ган...** Ўз корхонаси зарарига бошқага имтиёз ярат-ган раҳбар масъулиятини қандай тушуниш керак?

САНКЦИЯ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАКЛИФИНИ КИРИТМОҚДА

Европа Иттифоқи Россия билан шериклик муносабатлари бўйича янги битим имзолаш учун музокараларга энди киришган эди Польша яна тўқтинлик қила бошлади. Польша раҳбарияти, аниқроғи, ака-ука Качиньскийлар (Лех Качиньский — президент, Ярослав Качиньский — бош вазир) Европа Иттифоқини Россияга нисбатан савдо санкцияси қўллашга даъват этди. Польшанинг гўш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Россия Федерациясига олиб кирилиши Россия ҳукумати томонидан тақиқлангани уларни жунбушга келтирмоқда, дейилади «Озодлик» радиоси хабарига.

Маълумки, 2005 йил ноябрда Польшадан Россияга импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг сертификати сохта бўлгани учун Россия томони Польшанинг импорт қилинадиган гўш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тақиқлов жорий этган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Европа Иттифоқи билан Россиянинг янги шериклик шартномаси имзоланиши учун Европа Иттифоқига аъзо 25 та давлатнинг барчаси бир овоздан маъқуллаши керак. Ҳозирча эса 24 та давлат бу битимни имзолашга тайёр эканлигини билдирган.



СУД ҲУКМИГА ҚАРШИ МИТИНГ

Ҳиндистоннинг Фарбий Бенгалия штати маркази Калькутта шаҳрида Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайини ўлимга ҳаққоний ҳақидаги суд ҳукмига қарши коммунистлар митинги бўлиб ўтди. Ун мингга яқин намойишчи Буш ва Блэрга қарши чакриқлар билан Калькуттанинг марказий қисмида юриш қилдилар. Улар ҳатто Буш суратини намойишкорона ёқиб юбордилар. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

«Улар судьяни алмаштиришди, бу билан суд жараёнини қалбақлаштиришди» дея интервью берди коммунистлар етакчиси Биман Боус.

Маълумки, шу йил 5 ноябрь кuni Ироқ суди Саддам Хусайини ва унинг икки нафар сафдошини 1982 йили Ад-Дужайл қишлоғида шаъларга қарши қатлиом ўтказганига айблаб, дорга осиб қатл этиш йўли билан ўлимга ҳукм қилган.

Эслатма: Фарбий Бенгалия коммунистлар башқарувидаги штат бўлиб, 2004 йилдаги парламент сайловларида бу сўл партия рекорд даражада овоз олган. Улар АҚШнинг ташқи сиёсатига, жумладан, Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий кампанияларига қарши чиқишмоқда.

МДХнинг 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ



Санкт-Петербург шаҳрида МДХ Парламентлараро ассамблеясининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган 27-ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда МДХга аъзо давлатлар парламентлари делегациялари иштирок этди ва 15 йиллик хулосалар ҳамда парламентлараро ҳамкорликнинг истиқболлари кўриб чиқилди. Кун тартибидеги асосий мавзу МДХга аъзо давлатларнинг хавфсизлик масалалари бўйича қўрилган қарорларни уйғунлаштириш масаласи бўлди.



РАСМИЙ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Буюк Британия бош вазир Тони Блэр мамлакат молия вазир Гордон Браунни расмий равишда «меннинг давомчим» дея эълон қилди. Тони Блэр истеъфосидан аввал лейбористлар ҳукумати томонидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари тўплами тўғрисида тўхталар экан бош вазир бу ҳақда маълум қилди, дейилади «The Independent» газетаси ахборотида.

Блэрнинг бу гапи Браун учун қўрилган ҳол бўлди, гарчи у ва унинг командаси анча вақтдан бери бош вазир истеъфоси учун курашаётган бўлса-да. Ҳатто шу йил сентябрда парламентнинг кўпгина вакиллари бош вазирга хат ёзиб, унинг истеъфосини талаб қилишган эди. Аммо бир-бирига мухолиф бўлган бу икки шахс сўнгги вақтларда ўзаро ҳамкорликда иш юрита бошлашган эди.

Тони Блэр 2007 йил июн-июлда бош вазирлик вазифасини бажаради. Шотландия парламенти, Уэльс Миллий мажлиси ва Британия Қонунчилик кенгашига сайловлар бўлиб ўтгандан сўнггина (2007 йил майда) Блэр Лейбористлар партияси етакчилиги учун сайловларга «старт» бермоқчи.

Миллат ва тарих

АРХИВДАГИ МУЗЕЙ

Хар бир лаъза кечмишга даҳлдор. Муайян воқеалар тарих саҳифаларидан ўрин олади. Уларни музейлар муҳрловчи, авлодларга бус-бутун ҳолда етказувчи восита эса архив ва музейлардир. Бу борада Қашқадарё вилояти архив ишлари бошқармасининг фаолияти диққатга сазовор. Бу ерда вилоят ва Қарши шаҳри тарихига оид 200 мингга яқин энг ноёб ҳужжатлар жамланган.

Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи олдинда республика Марказий Давлат архиви Қарши шаҳри тарихига оид янги топишган эълондан ортиқ қатта-кичик ҳужжатларни бошқармага тақдим этди.

— Булардан энг асосийси, 1614 йилда ёзилган «Вақфнома» бўлиб, унда Насаф тарихига оид кўпчиликка маълум бўлмаган энг ноёб маълумотлар келтирилган, — дейди вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурашид Бўтаев. — Биз у орқали юртимиз ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлдик. Қолган материаллар эса XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида оид расмий хат ва суратли ҳужжатлардир. Бундан ташқари, турли замонларда воҳанинг мавқуд маъмурий, тарихий қисми, шунингдек, халқ хўжалигининг турли тармоқлари тарихи топишига даҳлдор ҳужжатлар матни баён этилган.

Фаолиятимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, барча туман ва шаҳарларда 18 та архив идоралари ташкил этилди. Бу борада биз республикада биринчи ўринда тураемиз. Замонавий архив тизимини ўрғаниш мақсадида кўплаб ҳамкасбларимиз Беларусия, Украина, Польша ва Германияда тажриба ортириб қайтишди. Утган йили ўзим ҳам Москва

шаҳрида ўтказилган халқаро архивчилар анжуманида иштирок этдим. Россия Федерацияси архивлари нафақат МДХ давлатлари ўртасида, балки дунё бўйича хар томонлама бой архив ҳисобланади. Тўғриси, уларнинг ўзига хос ютуғи бор. МДХга аъзо мамлакатлар ичида биринчи бўлиб компьютер тизимига ўтилган. Шунингдек, Давлат архиви таркибида музей ҳам ташкил этилган. Ушундан мен уларнинг тажрибасини ўрганиб, ўзимизда қўллашни кўнглимга тугиб қўйганим. Ҳеч қанча вақт ўтмай архивимиздаги мавқуд ҳужжатларни мавзу ва даврларига бўлиб компьютер вариантлари яратишга, шунинг билан бирга архивимиз қошида музей ташкил этишга киришганим. Тинимсиз излашни, саъй-ҳаракатларимиз натижасида мўъжазгина музейни ташкил этиб, шаҳримизнинг 2700 йиллик юбилейига тўёна сифатида ҳада этдик. Бугун вилоятимиз аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонлари музей билан танишиб, тарихимизнинг кўпгина қирраларидан хабардор бўлишмоқда.

— Музейимизга қизиқиш катта, шунинг учун бу ерга келувчилар кўп бўляпти, — дейди музей ходими Фариди Дониёрова. — Музей экспозициясида ўрин олган экспонатлар ҳеч қимми бефарқ қолдирмаётгани табиий. Масалан, бу товоқ ёғочдан, аниқроғи, тоддан ясалган. Тарихи 1910 йилларга мансуб. Деҳқонлар тумани одамлари илгари шу идишдан фойдаланишган. Мана бу мис самовар XIX аср бошларида ясалган. Мана бу қоғоз ҳужжатлар эса Қарши чўлини суғориш йўллари ҳақида бўлиб, 1868-1878 йиллардаги ёзишмалардир.

Қамбар НАСРИДДИНОВ, Қарши давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди, этнограф:

— Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан қилинган хайрли ишлардан бири бу музей ташкил этилганидир. Унда энг ноёб ҳужжатлар, тарихий буюмлар жамлангани, бу халқимизнинг бойлиғидир. Ундаги экспонатлар Ватанимиз тарихининг бир қисми бўлган Қашқадарё вилояти, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, шунингдек, вилоятдаги барча туманлар тарихидан сўзлайди.

Раъно ТУХТАЕВА, Қарши давлат университети талабаси:

— Аслида инсон ҳаётида музейларнинг аҳамияти беқийёс. Айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрнини алоҳида, деб ўйлайман. Кўп бор музейда бўлганман, аммо ҳозирдаги қандайдир ҳайратга тушмаганман. Чунки унда воҳа ҳаётига оид кўпгина ҳужжатлар ҳам борки, у аждодларимизнинг ҳаёти, қисматидан сўзлайди.

Акбарали НАСРИДДИНОВ, талаба:

— Мени қизиқтирган энг муҳим нарсаси, Туркистон генерал губернатори билан Китоб беги Жўрабек, Шаҳрисабз беги Бобобек ҳамда Қарши беги Тоғайбеклар ёзишмаларининг асл нусхалари бўлди. Тарихимизни чуқур билимочиларимиз, мавқуд архив ва музей манбаларини мукамал ўрганмоғимиз керак. Бинобарин, миллатнинг буюклиги унинг фарзандлари ўз тарихини чуқур билганлигидир.

Ирода ИСМОИЛОВА, Қарши шаҳридаги 26-мактаб ўқувчиси:

— Шаҳардаги ўлкашунослик музейида бўлганим. Бу ердаги айрим нарсаларни у ерда кўрмагандим. Менга айниқса, қадимги мунчоқлар ёқди...

— Бу музейнинг ёш авлодни муваққил руҳида тарбиялашдаги аҳамияти катта, — дейди табиатшунос Улаш Ҳайдаров. — Қаршининг 2700 йиллиги олдинда Одина масжиди ҳамда Сардоба, Кўкғумбаз сингари ёдгорликлар таъмирланди. Ана шу обидаларга оид экспонатлар ҳам музейда бор. Кейин унинг маънавий қадри банд. Фақат ёшларга эмас, турли ёшдаги қишлоқларга маънавиятдан сабоқ беришга қодир даргоҳ бу.

Илҳом ҚАРОМОВ

ЖАНГОВАР РАКЕТА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Покистон «Хатф-5» туркумидаги ракета-синовдан ўтказди. У турли хилдаги жанговар «бошча»ларни, шу жумладан, ядро «бошча»сини 300 км. узоқликкача элта олади. Покистон армияси вакилларида олинган манбаларга асосланиб, мамлакат телевидениеси маълум қилишча, синов муваффақиятли ўтди.

Эслатма: Покистон 80 ва 300 км. узоқликка уча оладиган «Хатф-1» ҳамда «Хатф-2» туркумидаги ракеталарни 1997 йил мартда, 800 км. узоқликкача уча оладиган «Хатф-3» баллистик ракетасини эса ўша йили июлда синовдан ўтказган. 1998 йилда 1500 км.гача уча олади-

ган «Хатф-3» ва «Гхори» туркумидаги баллистик ракеталарнинг иккита синовини ўтказди. 2004 йилда эса «Гхори-3» синови амалга оширилди. Унинг ҳаракати 3,5 км. радиусга мўлжалланган.

Айнан шу «Хатф» доирасида 2006 йил 21 мартда ўтказилган «Бобур» («Хатф-7») канотли ракетаси синови ҳам муваффақиятли якунланган. У турли хилдаги жанговар «бошча»ларни узоқ масофаларга элтишга мўлжалланган.

Покистон 1998 йил 28 май кунги синовларини ўтказгандан сўнг ядро қуролига эга бўлган давлат мақомини олган.



ТАН ОЛИШНИ СЎРАДИ

Шимолий Осетия парламенти Жанубий Осетия мустақиллигини тан олишни сўради, Россия Федерациясига мурожаат этишга қарор қилди. Бу борадаги мурожаатнома парламентнинг келгуси ҳафтада бўладиган мажлисида қабул қилинади. Бу ҳақда парламент спикери Лариса Хабидова «Интерфакс» ахборот агентлигига маълум қилди.

Эслатма: шу йил 12 ноябрь кuni Жанубий Осетияда ўтказилган референдум натижалари шуни кўрсатдики, 52337 нафар (95 фоиз) сайловчиларнинг 99 фоизи Жанубий Осетиянинг мустақиллик мақомини қўллаб-қувватлаб овоз берган.

ҲАРБИЙ КОНТИНГЕНТНИ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

АҚШ президенти Жорж Буш Ироқ масаласини тезроқ ҳал этиш учун у ерга 20 минг нафар ҳарбийдан иборат қўшимча контингент жўнатишди. Бу билан Ироқдаги урушда галабага эришмоқчи, шунинг учун АҚШ ва иттифоқчи қучлар охириги уринишни амалга оширишни мўлжаллаб туришибди, дейилади «The Guardian» нашрида эълон қилинган ахборотда.

Айрим манбаларга қараганда, қўшимча қучлар Бағдодга ташланади, негаки, айнан шу шаҳарда қаршилик қучлари фаол ҳаракат қилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган АҚШ Конгрессига сайловларда республикачилар мағлубиятга учрагач, икки палатада ҳам галабани кўлга киритган демократлар ярим йил ичида АҚШ қўшинини Ироқдан олиб чиқиш борасидаги чакриқига жавобан Жорж Буш шундай қарорга келган, дейилади хабарда. Шунингдек, АҚШ Ироқдаги урушда мағлубиятга учради, деган гап-сўзлар ҳам тинчлик бермаган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Жорж Буш маъмурияти Яқин Шарқдаги ўз иттифоқчилари — Кувейт ва Саудия Арабистонини ҳам Ироқдаги можароларни тезроқ ҳал этиш ишига жалб этишни кўзлаб турибди.

Яқинда бўлиб ўтган АҚШ Конгрессига сайловларда республикачилар мағлубиятга учрагач, икки палатада ҳам галабани кўлга киритган демократлар ярим йил ичида АҚШ қўшинини Ироқдан олиб чиқиш борасидаги чакриқига жавобан Жорж Буш шундай қарорга келган, дейилади хабарда. Шунингдек, АҚШ Ироқдаги урушда мағлубиятга учради, деган гап-сўзлар ҳам тинчлик бермаган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Жорж Буш маъмурияти Яқин Шарқдаги ўз иттифоқчилари — Кувейт ва Саудия Арабистонини ҳам Ироқдаги можароларни тезроқ ҳал этиш ишига жалб этишни кўзлаб турибди.



Бунинг устига, олувчи — «Оби ҳаёт» кичик корхонаси таъсисчиларидан бири бўлган А.Ҳидоятлов сотувчи — «Шифобахш булок»да кузатув кенгаши раиси бўлган, яъни корхона раҳбарларидан бири. Раҳбарлик, аввало, корхона ва унинг манфаатлари, ишчи-ҳодимлар шарт-шароити учун масъуллик дегани эмасми? Ҳўжалик судларида қўрилатган банкротлик ишларидан маълум бўлишча, кўп ҳолларда айнан раҳбар ҳодимларнинг ҳаракатсизлиги, ўз мансабига совуққонлиги корхоналар таназзулига асосий сабаб бўлмоқда. «Шифобахш булок» мисолида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади.

СОХТАЛАШТИРИЛГАН ХАТ

Тўғри, Давлат мулк қўмитаси томонидан юқоридаги ҳолат бўйича ҳўжалик судига даъво киритилган эди. Давлат Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси С.Абдуловнинг 2002 йил 6 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилди. Кейинчалик кассация инстанцияси қарори билан биринчи босқич суди ҳал қилув қарори бекор қилиниб, юқоридаги шартнома ҳақиқий эмас, деб топилган. Лекин «Оби-ҳаёт»га ўтган қўшим мулклар ҳақда «Шифобахш булок» икхтирига қайтарилмайдими. Инвестор талаб қилганда эса унинг қўлига хат тутқазилмади. Давлат мулк қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Кадастр бошқармаси адресига ёзилган хатда юқоридаги иш Олий ҳўжалик суди Раёсати томонидан 2004 йил 22 июль кuni протестга асосан кўриб чиқилиб, кассация босқичи қарори бекор қилинган ва иш юритув тугатилгани маълум қилинган ва «Олий ҳўжалик суди раиси вазифасини бажарувчи Н.Ахмонов» деб имзо чекилганди.

Инвестор томонидан Давлат мулк қўмитасидан Раёсатга киритилган протест нусхаси сўралганда, улар бундан беҳабарлигини, Н.Ахмонов номидан қўмитага бундай мазмундаги хат келиб тушмаганини маълум қилди. Шундан сўнг 28 ноябрь санаси билан Олий ҳўжалик суди раиси А.Ишметовга бу ҳолат маълум қилиниб, протест нусхаси юборилиши ҳақида хат ёзилди. Олий ҳўжалик судидан эса айтаётган ҳолат бўйича Раёсатда ҳеч қандай иш қўрилмагани ҳамда мулк қўмитаси ва шаҳар ҳокимлиги Кадастр бошқармасига Н.Ахмонов имзоси билан ҳеч қандай хат Олий ҳўжалик суди девонхонасидан чиқиб қилинмагани, ушбу хат ва хатдаги имзо ҳам қалбаки эканлиги маълум қилинди.

Кимсан, олий ҳўжалик суди раиси биринчи ўринбосари номидан сохта хат тайёрлаб, фойдаланувчи «юраги катталар»нинг бу ишдан ёқа ушламасан ва улар ким эканлигига табиий равишда қизиқиш уйғонади. Лекин бу холатга аниқлик киритиш учун тергов органларига маълум қилинган бўлса-да, сохталаштирилган ушбу хат муаллифи ким эканлиги бугунгача номаълумлигига қолмоқда. Уни инвесторга

тутқазган томон аниқ, лекин муаллифи ноаниқ — қизик... Энг ажабланилиси, мулк «Оби ҳаёт»дан «Шифобахш булок»га хануз қайтарилган эмас, гўёки уша сохта хат қўнуний кўнча эга...

Ноконуний рақат жазосиз қўлса, у иккинчи бир ҳунуқ холатни вуқудга келтириши мумкин. Тўғри, юқоридаги ҳолат юзасидан ОАЖнинг собиқ раҳбари А.Аззамхўжаевга жорий йилнинг 6 феврал кuni Юнусобод туман прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг 205-модда, 2-қисм, «а» банди билан жамият манфаатларига 13.490.439 сўм зарар келтирилгани бўйича жиноят иши кўзғатилган ва шу кuni Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги Амнистия актига кўра, иш тугатилган эди. Лекин келтирилган зарар тўлови ҳақида лолимим йўқ.

УНДИРИЛМАГАН ЗИЁНЛАР...

Корхонанинг яна бир собиқ раҳбари И.Аллахвердиев ва собиқ бош ҳисобчи Ф.Ибрагимовга ҳам жорий йил март ойида корхона манфаатларига 2.196.589 сўмлик зарар келтирилгани ҳамда давлат бюджетига 1.099877 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини қасддан ҳисобламаганликда айбланиб, ЖКнинг тегишли моддалари бўйича айб эълон қилинган ва улар ҳам Олий Мажлис Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарорига кўра, жазодан озод қилинган. Лекин яна жамият манфаатларига етказилган зарар миқдори очик қолаверди.

Қарабарлари томонидан ноқор аҳволга келтирилган «Шифобахш булок»қа шахсларни жавобгар қилардан кўра, ноконуний сотилиб кетган мулкларни, етказилган зарарлар ундирилгани фойда эмасми? Шундай қилинса, адолат қарор топди, корхона манфаатлари тўла ҳимояланди, деб ҳисобланмайдими? Қолаверса, инвесторнинг корхона фаолиятини жонлантириш, келишув битимига кўра, инвестиция мажбуриятини киритиш каби ишларни бажариши учун ҳам шу нарсаси керак эмасми?

Дарҳақиқат, «Шифобахш булок» манфаатлари билан боғлиқ олди-сотдилардаги қўнунбузилишларига нисбатан бир неча жиноят ишлари кўзғатилган. Масалан, Ижро Департаменти Тошкент шаҳар бўлими Юнусобод бўлинмаси суд ижросиси Н.Мирзакаримов ҳамда «Реал Мегалополс» масъулияти чекланган жамияти ақдушон савдоларини ташкил қилиш ташкилотни раҳбари ўринбосари С.Йўлдошев ҳамда Реклама ва Маркетинг бўлими бошлиғи Ж.Умаровларга ҳам ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши кўзғатилган эди. Келинг, шу ҳақда батафсилроқ тўхталасак.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2003 йил 30 май ва 2004 йил 5 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, корхонанинг бир қанча мулкларни қарзни қоплаш учун хатланиб, ижрочи томонидан 2005 йил 11 май кuni сотувага қўйилди. 10 майда Давлат мулк қўмитаси томонидан корхонга сармодор

жалб этилган, у корхонанинг дебитор қарзлари, шу жумладан, бюджет қарзларини ҳам қоплаётганини ижрочи ва «Реал Мегалополс»га маълум қилиб, савдоларни тўхтатиш сўралган. Қизиқки, «Реал Мегалополс» савдонини ўтказмаслигини айтиб, қўмитани тинчлантирган. Лекин шунга қарамай савдо бўлди. Натижада, корхонанинг барча ишлаб чиқариш биналарини бошқа ёрдамчи биналари билан бирга 45 миллион сўмга фуқаро Т.Қўриқ сотиб олди. Яна 50 нафар корхона ишчиси ишсиз қолади.

Корхона манфаати билан боғлиқ юқоридаги ҳаракатлар ўрганилганда ижрочи ҳамда кимшоши савдонини ўтказган шахслар ҳаракатларида қатор қўнунбузилишлар борлиги аниқланади ва юқорида таъкидланганидек, жиноят иши кўзғатилди. Хар учала шахсга нисбатан кўзғатилган жиноят иши Сенатнинг Амнистия тўғрисидаги қарорига асосан, ўтган йилнинг декабрь ойида Юнусобод туман прокуратураси томонидан иш юритилган тўхтатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг жорий йил 13 июлдаги қарори билан ижрочида ҳолат бўйича олди-сотди шартномаси ва шунга оид барча ҳужжатлар бекор қилини ҳамда мулк яна «Шифобахш булок» икхтирига қайтиди. Лекин ўтган бир йилда ушбу мулклар корхонга қанчалик фойда келтириши мумкинлигини, қанча одамнинг қозони шундан қайнашини ўйлаб, ўтказилган вақтга, сарсон-саргардонликка ачинар экансан киши.

Яна бир ҳолат. Т.Қўриқ раҳбарлигидаги «СТС Восток» қўшма корхонаси томонидан ОАЖнинг Х.Асомов кўчасидаги икки қаватли маъмурий биноси ҳам 2003 йил 29 майда сотиб олинган эди. Ушбу савдога ҳам эътирозлар кўп. Масалан, Давлат мулк қўмитаси томонидан Бош прокуратурага яқинда киритилган маълумотномада айтилишча, маъмурий бино баҳоловчи томонидан 2 баравар арзон баҳоланган. Бино эгаллаган 1800 квадрат метр майдон сотувага қўйилган бўлса-да, кейинчалик кадастр хизмати томонидан яна 200 квадрат метр олувчига қўшиб берилган. Ва ҳоҳрозо...

Янги иш ўринлари яратиш, корхона фаолиятини изга солиб, фойда кўриш ниятидаги инвесторнинг бугун вақти, гувоҳи бўлганимиздек, бошқа нарсалар — талон-тороқ бўлган мулкларни жой-жойига қўйиш, турли низолар бўйича судларда иштирок қилиш ва ҳоҳазоларга сарф бўлмоқда. Бунинг устига, юқорида айтганимиздек, давлат улushi миқдори бўйича ҳозир Давлат мулк қўмитаси билан «Шифобахш булок»нинг собиқ раҳбарлари — И.Аллахвердиев (ҳозир «СТС Восток»да тижорат директори), А.Аззамхўжаев («СТС Восток»да ижрочи директор), А.Ҳидоятлов ва бошқа бир гуруҳ улшудорлар ўртасида низо кетмоқда. Бу нарсалар инвестор қўлини ишдан совуштиш туган гап. Бир томонда эса жамият иши олдинга кетишини юзга яқин оддий ишчи-хизматчилар умид қилиб кутишапти.

Акбар ЖОНЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

